

Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги томонидан
“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”
2017 йил “_____” _____
№ _____

“O’zto’qimachilik sanoat” уюшмаси
аъзоларининг умумий йиғилишида
“ТАСДИҚЛАНГАН”
2017 йил “21” декабрдаги
1-сонли баённомаси

М.Ў.

М.Ў.

“O’zto’qimachilik sanoat” уюшмаси
УСТАВИ

Тошкент шаҳри – 2017 й.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “O’zto’qimachilik sanoat” уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285-сон Фармонида биноан пахта хом ашёсини қайта ишлаш, юқори кўшилган қийматли тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича ягона комплекс сифатида, шу жумладан саноат кооперациясини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари бирлашмаси “O’zto’qimachilik sanoat” Уюшмаси, (кейинги матнларда «Уюшма» деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, таъсис шартномаси ва ушбу Устав асосида фаолият юритади.

1.2. Уюшма юридик шахс ҳисобланади, у ўзининг фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва фармойишларига асосан иш юритади. Уюшма таркиби, Уюшма аъзоллигига бошқа юридик шахсларнинг кириши ҳисобига ўзгариши мумкин.

1.3. Қуйидаги юридик шахслар Уюшманинг аъзолари деб ҳисобланади:

“8-MART” МЧЖ, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги қошидаги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2010 йил 5 март куни, рўйхатга олиш гувоҳномаси № 04249, реестрдаги тартиб рақами - № 6166-сон билан рўйхатдан ўтказилган, манзили: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Промзона, Навои кўчаси, 25 уй;

“OSBORN TEXTILE” МЧЖ ХК, Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2007 йил 26 ноябрь куни, рўйхатга олиш гувоҳномаси № 284, реестрдаги тартиб рақами № 121-сон билан рўйхатдан ўтказилган, манзили: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туман, Искандар шаҳарчаси;

“Мергантекс” МЧЖ, Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилояти, Олот тумани ҳокимлиги қошидаги юридик шахсларни рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 2003 йил 14 июнь куни, рўйхатга олиш гувоҳномаси № 569-сон билан рўйхатдан ўтказилган, манзили: Бухоро вилояти, Олот тумани, Чорбоғ кўрғони;

“BO`STONLIQ-PLASTEKS” МЧЖ, Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туман ҳокимлиги ҳузуридаги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2014 йил 15 апрель куни, рўйхатга олиш гувоҳномаси № 3501, реестрдаги тартиб рақами № 0000495-сон билан рўйхатдан ўтказилган, манзили: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чорбоғ кўрғони, 1 уй;

“UZTEX TASHKENT” МЧЖ ҚК, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 23 январь куни, рўйхатга олиш гувоҳномаси № 523, билан рўйхатдан ўтказилган манзили: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сўғдиёна кўчаси 3 ўй;

“XORAZM TEX” МЧЖ, Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти, Боғот тумани ҳокимлиги ҳузуридаги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2012 йил 4 декабрь куни, рўйхатга олиш гувоҳномаси № 0001179, реестрдаги тартиб рақами - № 1120-сон билан рўйхатдан ўтказилган, манзили: Хоразм вилояти, Боғот тумани, Бешариқ қишлоғи, Ашхабат маҳалласи;

“INDORAMA KOKAND TEXTILE” МЧЖ ҚК, Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилоят адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 20 май куни, рўйхатга олиш гувоҳномаси № 106, реестрдаги тартиб рақами - № 106-сон билан рўйхатдан ўтказилган, манзили: Фарғона вилояти, Қуқон шаҳри, А.Навоий кўчаси, 205 ўй.

1.4. Уюшма ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини мувофиқлаштириш ва юксалтириш, Уюшманинг Уставида белгиланган мақсадларга

эришиш учун биргаликдаги фаолият асосида ташкил этилган. Уюшма банк тизими муассасаларида жорий ва бошқа турдаги ҳисоб ракамларига, алоҳида мулкка эгалик қилишга ҳақли, ўзининг мустақил балансига ва молиявий якуний ҳисоботларига эга.

1.5. Уюшма тижорат фаолияти билан шуғулланмайди ҳамда ўз олдига ўзининг фаолиятдан фойда олишни мақсад қилиб қўймайди.

1.6. Уюшманинг номи:

- давлат тилида: “O’zto’qimachilik sanoat” уюшмаси;

- рус тилида: Ассоциация «Узтекстильпром»;

- инглиз тилида: «Uztextile Industry» Association;

1.7. Уюшманинг фаолият муддати чекланмаган.

1.8. Уюшманинг жойлашган манзили (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, А.Авлоний кўчаси, 20 а-уй. Индекс: 100100.

- электрон почта манзили: info@uzts.uz.

- Уюшманинг расмий веб-сайти: www.uzts.uz.

II. УЮШМАНИНГ МАҚСАДИ ВА ФАОЛИЯТИ

2.1. Қўйидагилар Уюшманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- хом ашёни қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича ягона комплекс сифатида, шу жумладан саноат кооперациясини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда тадқиқотлар ўтказиш асосида тармоқни барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

- тўқимачилик саноати соҳасидаги стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини халқаро талаб ва стандартларга ўйғунлаштириш, шунингдек, маҳсулотлар синов лабораторияларини модернизация қилиш ва аккредитациядан ўтказиш орқали такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш;

- тўқимачилик саноати корхоналарининг фаолиятига инновацион технологиялар, шу жумладан дизайнерлик ишланмалари, ноу-хау, сифат менежменти тизимлари ва замонавий маркетинг хизматлари кенг жорий этилишини таъминлаш;

- ички бозорни юқори сифатли маҳаллий тўқимачилик маҳсулотлари билан тўлдириш ва унинг экспорт географиясини, шу жумладан турли ахборот ресурсларида ҳамда мамлакатдаги ва хориждаги кўرғазма тадбирларида миллий брендларни йўналтиришни илгари суриш ва тўқимачилик саноати корхоналарининг салоҳиятини намоён қилиш орқали кенгайтириш бўйича тизимли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- тўқимачилик саноати корхоналари ва ташкилотларига қонунчиликда белгиланган тартибда юқори сифатли маҳсулотларни ягона “Uztextile” белгиси билан экспорт қилишга амалий ёрдам кўрсатиш;

- тўқимачилик саноатига чет эл инвестицияларини, шу жумладан логистика ва муҳандислик инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида фаол жалб қилиш;

- тўқимачилик саноати корхоналари, пахта-тўқимачилик кластерларини ҳудудлар салоҳиятининг янада ривожлантириш истиқболларидан, хом ашё базаси, инфратузилмаси, меҳнат ресурслари ва бозорларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб жойлаштиришга кўмаклашиш;

- тармоқнинг замонавий ривожлантириш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда тўқимачилик саноати соҳасида кадрларга бўлган реал эҳтиёжни ва уларни тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш, мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда иштирок этиш, ушбу соҳада илмий-тадқиқот ишларини чуқурлаштириш;

- тармоқнинг жадал ривожланишига ва тўқимачилик саноати корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи тизимли муамоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- тўқимачилик саноати корхоналарига менежмент ва ҳуқуқий-шартнома масалалари бўйича кумаклашиш, саноатни моделлаштириш, рекламани ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш. Уюшма аъзоларининг манфаатларини кўзлаган ҳолда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар қарорлари, ушбу органлар мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш йўли билан ҳимояни амалга ошириш.

2.2. Уюшма қуйидаги мақсадларда тузилган:

- Уюшма аъзолари бўлган корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, муштарак мулкӣ манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш;

- Уюшма аъзолари бўлган корхоналарга чет эллик шериклар билан амалий мулоқотлар ва алоқаларни кенгайтиришда, экспорт маҳсулотини ташқи бозорларга олиб чиқишда, шунингдек, янги ишлаб чиқаришлар барпо этиш ҳамда чет эл инвестицияларни жалб этишда кумаклашади;

- Уюшма аъзолари бўлган корхоналарга Ўзбекистон Республикасида ва хорижда кўргазмалар, ярмаркалар, тақдимотлар, анжуманлар, бизнес форумлар, кооперацион биржаларни ташкиллаштиришда кўмаклашади;

- тўқимачилик саноати корхоналари ва ташкилотларига қонунчиликда белгиланган тартибда юқори сифатли маҳсулотларни ягона “Uztextile” белгиси билан экспорт қилишга амалий ёрдам кўрсатади;

- Уюшма аъзоларининг инвестицион, тижорат, илмий-техникавий ва иқтисодий фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

- Уюшма аъзоларининг давлат бошқарув органларида, шунингдек хорижий давлатларида манфаатларини ҳимоя қилиш, конференция, семинар, симпозиум ва бошқа учрашувларда катнашиш;

- Уюшма аъзолари манфаатларини кўзлаган ҳолда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар қарорлари, ушбу органлар мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш;

- Уюшма аъзолари уртасида тўғри хўжалик алоқалар боғланишига ёрдам бериш.

2.3. Уюшманинг фаолияти:

- Уюшма аъзолари фаолиятига, ижтимоий, молиявий, иқтисодий, ривожлантиришга кўмаклашиш;

- Уюшма аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириш, самарали иқтисодий фаолият, ҳаққоний рақобат учун шароит яратиш;

- Уюшма аъзолари фаолиятидаги муаммоларни урганиш бўйича ахборот хизматини ташкиллаштиришга ёрдам кўрсатиш;

- тадбиркорлик фаолиятида янги экологик технологияларни жорий қилишга ва муқобил энергетика технологияларни тарқатишга кўмаклашиш;

- давлат идоралари ҳамда бошқа муассаса, корхона ва ташкилотлар олдида ўз аъзоларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тақдим қилиш ва ҳимоя қилиш;

- кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида ўқитишни ташкил этиш.

III. УЮШМАНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

3.1. Уюшма давлат руйхатидан ўтган пайдан бошлаб юридик шахс мақомига, ўзининг мустақил балансига, ҳисоб рақамларига, ўз номидаги муҳр, эмблема, товар белгиси ва бошқа рамзларга эга бўлади.

3.2. Уюшма давлат руйхатидан ўтган пайдан бошлаб мулкӣ ва номулкӣ

ҳуқуқига, ўз номидан шартномалар тузишга, судда даъвогар ёки жавобгар бўлишга ҳақлидир.

3.3. Уюшма амалдаги қонунчиликка кўра, шўъба корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналар ташкил қилиш ҳуқуқига эга.

3.4. Уюшма акция ёки корхоналарнинг устав фондида улушларни сотиб олиш йўли билан улар фаолиятида қатнашиш ҳуқуқига эга.

3.5. Уюшма ўз мажбуриятлари юзасидан тассаруфидаги барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

3.6. Уюшма ўз аъзоларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Давлат ва унинг органлари Уюшманинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек, Уюшма ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

3.7. Уюшманинг барча аъзолари ўз мустақиллиги ҳамда юридик шахс мақомини сақлаб қолади. Уюшма ўз фаолиятини аъзолар ихтиёрийлиги ва тенг ҳуқуқлиги асосида амалга оширади.

3.8. Уюшма куйидаги ҳуқуқларга эгадир:

3.8.1. Қонун билан белгиланган тартибда контракт, меҳнат шартномаларини (контракт), ишчи ва хизматчилар билан келишув асосида тузади.

3.8.2. Уюшма фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш бўйича маҳаллий мутахассисларни чет элга хизмат сафарига юборади ва хорижий мутахассисларни таклиф этади.

3.8.3. Шартномалар асосида банк кредитларидан фойдаланади ва улар бўйича ўз мулки билан жавоб беради.

3.8.4. Давлат органлари ва хўжалик юритувчи бошқа ташкилотларидан ўзининг фаолиятига доир хабар, ахборот ва маълумотлар олади ҳамда ўз аъзолари эътиборига етказиши.

3.9. Уюшма Уставида белгиланган мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3.10. Уюшманинг мажбуриятлари:

3.10.1. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Уставада ва бошқа таъсис ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга риоя этиш.

3.10.2. Руйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти юзасидан белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этиб бориш.

IV. УЮШМАГА АЪЗОЛИК ҲАМДА АЪЗОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Уюшма аъзоларини бирлаштириш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда фақат ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

4.2. Ўз фаолиятини ижтимоий шерикчилик асосларида юритадиган, Уюшма Устави ҳамда бошқа ички меъёрий ҳужжатларни эътироф этадиган, аъзолик бадаллари ва ажратмаларни ўз вақтида тўлайдиган юридик шахслар Уюшма аъзолари бўлиши мумкин.

4.3. Юридик шахснинг ёзма аризаси ҳамда Уюшманинг таркибига қабул қилиш ва таркибдан чиқариш тўғрисидаги низомда белгиланган ҳужжатлар тўплами тақдим этганда, шунингдек, Уюшмага аъзолик бадали тўловларини тўлашга рози бўлиши аъзоликка қабул қилиш учун асос бўлади.

4.4. Уюшма аъзолари куйидаги ҳуқуқларга эга:

- Уюшма фаолияти ҳақида маълумот олиш;

- Уюшма бошқаруви органларига таклифлар киритиш ва уларнинг муҳокамасида иштирок этиш;
- Уюшманинг аниқ дастур ва лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этиш;
- Уюшма ижроия органлари хизматларидан фойдаланиш;
- Уюшманинг ахборот базаси маълумотларига кириш имконига эга бўлиш, илмий-услубий маълумотларидан фойдаланиш;
- қонунчиликда белгиланган тартибда юқори сифатли маҳсулотларни ягона “Uztextile” белгиси билан экспорт қилиш;
- Уставга мувофиқ, Уюшма бошқаруви органларига номзодларни таклиф қилиш ва сайлаш;
- Уюшма фаолиятига тегишли барча масалалар бўйича қарорларни қабул қилишда иштирок этиш;
- Уюшма хизматларидан бегараз фойдаланиш;
- умумий йиғилишларда овоз бериш пайтида тенг овозлар сонига эга бўлиш;
- Уюшма фаолияти, унинг режа ва дастурлар ҳақидаги маълумотларни олиш;
- Уюшма бошқарув органларидан умумий йиғилиш қарорлари бажарилиш ҳолати ва ўз таклифлари ҳақидаги маълумотларни талаб қилиш;
- Уюшма умумий ва навбатдан ташқари йиғилишлари кун тартибига таклифлар киритиш;
- Уюшма раҳбар органларига унинг фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай масала юзасидан мурожаат қилиш;
- Уюшмага маслаҳат, услубий ва бошқа ёрдам масаласида мурожаат қилиш;
- Уюшма аъзолигидан исталган пайтда ўз хоҳиши билан чиқиш.

4.5. Уюшма аъзоларининг мажбуриятлари:

- Уставга амал қилиш;
- белгиланган муддатларда аъзолик бадаллари ва ажратмаларни тўлаб бориш;
- Уюшма умумий йиғилиши қарорларини бажариш;
- почта манзили, алоқа телефон рақамлари ўзгарганлиги ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш.

4.6. Уюшма аъзолигидан чиқариш асослари:

- амалдаги қонунчилик ва Уставда белгиланган мажбуриятларни мунтазам ёки кўпол равишда бузиш;
- Уюшманинг бошқарув органи қарорларини бажармаслик;
- мунтазам равишда аъзолик бадаллари ва ажратмаларни тўламаслик.

4.7. Уюшма аъзолигидан чиқиш ёки чиқариш пайтида илгари тўланган аъзолик бадаллари, ажратмалар ва бошқа тўловлар қайтарилмайди.

V. МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ

• 5.1. Уюшманинг мол-мулки асосий ва айланма воситалардан, ҳамда Уюшманинг мустақил балансида акс эттирилган бошқа воситалардан, мулкдан иборат.

• 5.2. Уюшма қонунчиликда белгиланган тартибда ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

• 5.3. Уюшма амалдаги қонунчиликка мувофиқ мол-мулкни ўз воситалари, банк кредитлари ва бошқа манбаалар ҳисобидан сотиб олиш ва ижарага олишга ҳақлидир.

• 5.4. Уюшманинг мол-мулки шаклланадиган манбаалари:

• Уюшма аъзоларининг аъзолик бадаллари ва тўловлари;

• қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

• 5.5. Уюшма аъзолигига қабул қилиш ҳақидаги Уюшма аъзолигига кирувчи

хўжалик субъектларининг ажратмаларидан;

- ҳайрия бадалларидан.

- Юридик ва жисмоний шахсларнинг беғараз ёрдамлари.

- 5.6. Уюшма нотижорат ташкилоти ҳисобланади, солиқ ва бошқа тўловларини амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади. Бадаллар ва ажратмалар солиқ базасидан чиқарилган.

VI. УЮШМАНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНИ.

- 6.1. Уюшманинг бошқарув органлари:

- Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши ва ижроия органи бошқарув органларидир;

- Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши уюшманинг юқори бошқарув органидир.

- 6.2. Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши - бир йилда камида бир марта чақирилади. Йиғилишлар умумий ёки навбатдан ташқари чақирилиши мумкин. Уюшма аъзоларининг 3/2 қисми ҳозир бўлганда йиғилиш ваколатли ҳисобланади. Йиғилиш ўтказиш куни ва жойи Уюшма раиси томонидан белгиланади.

- Уюшма аъзолари умумий йиғилишининг ваколати доирасига қуйидагилар киради:

- Уюшма фаолиятининг асосий йўналишларини аниқлаш, уларнинг бажарилиши ҳақида ҳисобот тўплаш ва режаларни тасдиқлаш;

- Уюшманинг Уставига ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш, янги тахрирдаги Уставни тасдиқлаш;

- Уюшмани қайта ташкил этиш;

- Уюшмани тугатиш комиссиясини тайинлаш, оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш ҳамда тугатиш;

- Уюшма Уставига кўра Уюшма Бошқарувини тайинлаш, ёллаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

- Уюшманинг аудиторлари таркибини тасдиқлаш;

- Уюшманинг йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, ҳисоб варағини тасдиқлаш;

- Уюшма фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботларни тасдиқлаш;

- Уюшма раисини сайлаш ҳамда уни чақириб олиш;

- Уюшма йиллик фаолият натижаларини тасдиқлаш;

- филиаллар ва ваколатхоналарни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг Уставларини тасдиқлаш;

- Уюшманинг иш тартиби қоидаларини ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, унинг бошқарув аппаратининг ташкилий тузилмаларини белгилаш;

- Уюшма фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Уюшма бошқарув органи мансабдор шахсларини мулкӣ жавобгарликка тортиш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

- Уюшманинг бошқарув органи, унинг филиаллари ва ваколатхоналари раҳбар ходимларининг иш ҳақи миқдорини белгилаш;

- Уюшма аъзоларининг аъзолик бадаллари, тўловлар миқдорини, шаклини ва тўлаш тартибини белгилаш.

- 6.3. Уюшма фаолиятининг асосий йўналишини аниқлаш, уларнинг бажарилиши бўйича режа ва ҳисоботларини тасдиқлаш, Уюшма Таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар Уюшма аъзоларининг тўртдан уч қисмининг кўпчилик овози билан, бошқа масалалар юзасидан эса қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

• 6.4. Уюшма аъзосини Уюшма аъзолигидан чиқариш масаласи кўриб чиқиладиганда, ушбу аъзо ёки унинг вакили йиғилишда қатнашмайди.

• 6.5. Умумий йиғилишда қабул қилинган қарорлар Уюшманинг Устави ёки қонунчиликка зид бўлиши мумкин эмас.

VII. УЮШМАНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.

7.1. Уюшманинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, ваколати уюшма уставда белгиланган ижроия органи - Бошқарувга таалуклидир.

Уюшманинг ижроия органи тўққиз кишидан иборат Бошқарув ҳисобланади. Бошқарув, Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Ушбу муддат, Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига биноан яна узайтирилиши мумкин. Бошқарув ўз вазифаларини бажариш учун исталган давлат идоралари, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, ташкилотлар, жисмоний ва юридик шахслар билан ўз фаолияти юзасидан муносабатлар ўрнатишга ва тегишли масалаларни ҳал қилишга ҳақлидир.

7.2. Бошқарув, уюшманинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар, шу жумладан тўқимачилик саноати корхоналарини аъзоликка қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш масалаларини кўриб ҳал этиш киради, Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши ваколати доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

7.3. Бошқарув фаолиятига Уюшма раиси бошчилик қилади. Уюшма раиси Бошқарув номидан фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Бошқарувнинг бошқа аъзоларига ҳам Уставга биноан ана шундай ҳуқуқ берилиши мумкин.

7.4. Уюшма раиси бўлмаганда, унинг вазифасини бошқарув раисининг биринчи ўринбосари бажаради.

7.5. Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари бўлмаганда - бошқарув раисининг ўринбосарларидан бири бажаради.

7.6. Бошқарув Уюшмага оид қонунчилик ҳужжатларига ва ушбу Уставда, шунингдек Уюшма аъзолари йиғилишида белгиланган барча қоидаларга амал қилиши шарт.

7.7. Бошқарув мажлислари заруриятга қараб бошқарув раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади ва мажлис баёни олиб борилади.

7.8. Бошқарув қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

7.9. Овозлар тенг бўлиб қолганда бошқарув раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

7.10. Бошқарув ҳужжатлари, қарорлар ёки буйруқлар кўринишида бўлиб, уларни бажариш барча Уюшма аъзолари учун мажбурийдир.

7.11. Бошқарув Уюшма маблағини Уюшма бюджети доирасида сарфлайди, смета ҳар йили Уюшма умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади. Бошқарув зарур бўлган ҳолларда смета доирасидан чиқиши мумкин. Лекин бунда Бошқарув бу харажатлар учун жавобгардир.

7.12. Уюшма умумий йиғилиши қарорига биноан Уюшма раисининг ваколати муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

Уюшма раиси:

Уюшма раиси ва унинг ўринбосарлари уюшма аъзолари умумий йиғилиши томонидан сайланади;

Уюшма фаолияти ва унинг ижроия органи фаолиятига раҳбарлик қилади, юклатилган вазифаларни бажариш ва мазкур Уставга риоя қилиниши учун шахсан жавобгардир, ўринбосарлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Уюшма фаолиятига

тааллуқли масалаларни ҳал қилишда уларнинг ваколатларини белгилайди;

Ижроия органи тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ўз ваколати доирасига кирадиган масалалар юзасидан қарор, буйруқ, фармойиш ва бошқа ҳужжатлар чиқаради;

Республика қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларнинг, Уюшма аъзолари йиғилиши қарорларининг ва ўз қарорларининг (буйруқ, фармойиш) бажарилиши назорат қилинишини таъминлайди;

Республика ва хорижий давлатларнинг исталган юридик ва жисмоний шахслари билан муносабатларда Уюшма номидан ишончномасиз иш кўради ва унинг номидан битимлар, шартномалар тузади ва ҳар қандай битим тузишга ишончнома беради;

Уюшма ходимлари штат жадвалини, унинг таркибий бўлинмалари ҳақидаги Низом ва Йўриқномалар, ходимларни мукофотлаш ва Уюшма соҳасига тегишли барча ҳужжатларни тасдиқлайди;

Уюшма ходимларини лавозимига тайинлайди ва озод этади, мансаб маошларини ва унга қўшимча ҳақни белгилайди, ходимларини рағбанлантиради ва уларга нисбатан жазо чоралар қўллайди.

Уюшма раисининг қарори уюшманинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан бажарилиши шартдир;

ишончномалар беради, пул маблағлари ва моддий бойликлар олиш учун ҳисоб-китобларни ва тўлов ҳужжатларни имзолайди;

банкларда Уюшма ҳисоб ракамларини очади;

қонунчиликда белгиланган бошқа вазифаларни бажаради.

VIII. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ.

8.1. Уюшма иш натижалари ҳисобини олиб боради. Оператив бухгалтерия ва статистика ҳисобларини юритади. Уюшмада ҳисоб ва ҳисоботлар амалдаги қонун ва қоидаларга мувофиқ олиб борилади.

8.2. Уюшма фаолиятининг молиявий йили 1-январдан 31-декабргача белгиланади.

8.3. Уюшма баланси Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўмда белгиланади.

8.4. Ҳисоб-китоб олиб борилиши ва ҳолати учун жавобгарлик бош ҳисобчи ёки унинг вазифасини бажарувчи мансабдор шахсга юклатилади.

8.5. Уюшмада тегишли ҳужжатлар юритилади ва сақланади, шу жумладан:

Уюшма таъсис ҳужжатлари, шунингдек, Уюшманинг ички муносабатларини тартибга солувчи бошқа ички локал ҳужжатлар, таъсис ҳужжатларга киритилган ва тасдиқланган ўзгартириш ва қўшимчалар.

Қонунда назарда тутилган бухгалтерлик ҳужжатлари.

Қатнашчиларнинг умумий йиғилиши баённомалари.

Уюшма номидан ишонч қўзғатилган эга ходимларнинг рўйхати.

Уюшма ходимларининг рўйхат базаси.

Уюшма фаолиятига оид статистик кўрсаткичлар.

Аудитор ва давлат молия назорати органи хулосалари.

XI. АУДИТОР.

Уюшма ўзининг молия - хўжалик фаолиятини ўз ҳисобидан аудитор ташкилоти орқали у билан тузилган шартнома асосида текширишни амалга ошириши мумкин.

Х. УЮШМА ХОДИМЛАРИНИНГ МЕХНАТИ ВА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТИ.

Мехнат ҳақи тўлови, мехнат ва дам олиш тартиби, Уюшма марказий аппарати ходимларини ижтимоий таъминлаш, ўқитиш ҳамда суғурта қилиш, ходимларни ёллаш Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги, Ички тартиб-қоидаларга мувофиқ, томонлар ўртасида тузиладиган мехнат шартномаси билан тартибга солинади.

ХІ. УЮШМАНИ ҚАЙТА ТУЗИШ ВА ТУГАТИШ.

11.1. Уюшмани қайта ташкил этиш (бирлаштириш, қўшиш, бўлиб юбориш, ажратиш, қайтадан тўзиш) Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига биноан амалга оширилади.

11.2. Уюшмани тугатиш умумий йиғилишнинг, суднинг қарорларига ёки қонунларда кўрсатилган бошқа асосларга кўра амалга оширилади. Уюшма умумий йиғилишнинг қарорига кўра тугатилаётган бўлса, бу ҳақда зудлик билан руйхатга олган орган ёзма равишда хабардор қилиниши шарт.

11.3. Умумий йиғилиш ёки Уюшмани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган бошқа орган тугатиш комиссиясини тайинлайди, тугатиш тартиби ва муддатини белгилайди.

11.4. Тугатиш комиссияси Уюшма тугатилиши ҳақида матбуотда хабар беради ва кредиторларнинг талабларини билдириш тартиби ва муддатини белгилайди, бу муддат тугатиш ҳақида эълон қилинган кундан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим.

11.5. Тугатиш комиссияси тузилган пайдан бошлаб унга Уюшма ишларини бошқариш ва тугатилаётган Уюшма номидан судда катнашиш ваколатига эга.

11.6. Тугатиш комиссияси Уюшмани тугатиш учун зарур бўлган ишларни амалга оширишга ҳақли.

11.7. Тугатиш комиссиясининг аъзолари ўзларининг фаолиятлари натижасида Уюшма ёки учинчи шахсга етказилган зарар учун биргаликда жавоб берадилар.

11.8. Тугатиш комиссияси қарздорларни аниқлайди, Уюшма тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади, ва дебеторлик қарзлари бўйича қарзларни тўлаш чораларини кўради.

11.9. Тугатиш комиссияси қарздорлар томонидан даъво қилиш муддати ўтгандан сўнг, оралиқ тугатиш балансини тузади. Оралиқ тугатиш балансида Уюшма мулкнинг таркиби тўғрисидаги, қарздорларнинг даъволари руйхати ва уларнинг кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатиб ўтилади. Оралиқ тугатиш баланси умумий йиғилиш томонидан ёки Уюшма тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан тасдиқланади.

11.10. Агарда Уюшма пул маблағлари қарздорларнинг даъволарини қоплаш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси суд қарорини ижро этиш учун Уюшмага тегишли бўлган мулкларни савдога чиқариб сотишни амалга оширади.

11.11. Кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш тугатиш комиссияси томонидан оралиқ тугатиш баланси тасдиқланган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 56-моддасида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

11.12. Тугатиш комиссияси қарздорларга қарзлар тўланиб бўлингач, тугатиш балансини тузади. Тугатиш баланси умумий йиғилиш ёки Уюшмани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан тасдиқланади.

11.13. Уюшма бюджет, ходимлари ва Ўзбекистон Республикаси конунларида курсатилган бошқа мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоб килиб бўлгандан сўнг қолган мулк уюшма аъзолари ўртасида тенг тақсимланади.

11.14. Уюшма давлат руйхати реестридан чиқарилган пайтдан бошлаб тугатилган ҳисобланади. Уюшма тугатилиши билан ушбу Устав ўз кучини йўкотади.

11.15. Ушбу Уставда назарда тутилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

АЪЗОЛАР:

«Merganteks» МЧЖ

И.Хамроев

“8-MAPT” МЧЖ

И.Аманов

"OSBORN TEXTILE" МЧЖ ХК

Х. Карабаев

“BO`STONLIQ-PLASTEKS” МЧЖ

А.Иногамов

“XORAZM TEX” МЧЖ

Қ.Содиқов

“INDORAMA KOKAND TEXTILE” МЧЖ ҚК

ДеПак Рейна

“UZTEX TASHKENT” МЧЖ ҚК

Р.Юлдашев